

## **ИЖТИМОЙ СОҲАДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Шакирова Г.А.** ТДИУ “Институционал ва  
иқтисодий тадқиқотлар  
маркази” катта илмий ходими

**Аннотация.** Мақолада давлат-хусусий шериклик мақсади ва вазифалари атрофлича тавсифлаб берилган ва асосланган. Шунингдек, Ўзбекистонда ижтимоий соҳани, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик шаклларида фойдаланишнинг зарурияти ва аҳамияти ёритилган ҳамда ижтимоий соҳада ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** давлат-хусусий шериклиги, ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш тизими

**Annotation.** The article describes and substantiates the goals and objectives of public-private partnership in detail. It also highlights the need and importance of the use of public-private partnerships in the development of the social sphere, in particular, the health care system in Uzbekistan, and developed conclusions and proposals for the implementation and support of PPP projects in the social sphere.

**Keywords:** public-private partnership, social sphere, health care system

**Кириш.** Ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик алоқаларини қўллашнинг долзарблиги нисбатан қисқа вақт ичида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдаги бўшлиқларни икки хўжалик юритувчи субъект – давлат ва бизнеснинг саъй-ҳаракатлари, воситалари ва хавфларини бирлаштириш орқали бартараф этиш мумкинлиги билан изоҳланади. Ўзбекистонда ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик шаклларида фойдаланиш имкониятларини баҳолаш учун давлат-хусусий шериклик воситаларидан фойдаланган ҳолда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда хорижий тажрибани ўрганиш зарур. Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги доирасида ресурслар ва потенциалларни бирлаштириш нуқтаи назаридан давлат ҳокимияти ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлиги инвестицияларни фаол жалб қилиш, ижтимоий лойиҳаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш, ижтимоий инфратузилмани бошқариш даражасини ошириш ва давлат ижтимоий институтларининг ривожланишига ёрдам беради. Шу билан бирга, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги ижтимоий ресурслар устидан давлат назоратини амалга оширишда молиявий ресурслардан, хусусий секторнинг тажрибаси ва профессионаллигидан самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Давлат-хусусий шериклиги – турли хил ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда давлат шериги ва хусусий сармоядорлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик шаклларида биридир. Биринчи навбатда тўғридан-тўғри давлат бошқаруви ва молиялаштириш объекти бўлган ижтимоий соҳа ресурсларга, замонавий бошқарув усуллари ва илғор технологияларни

жорий этишга катта талабларга эга. Бюджет маблағларн ушбу муаммоларни тўлиқ ва қисқа вақт ичида ҳал қилишга имкон бермайди, шунинг учун хусусий секторнинг ваколатлари ва инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб этиш зарурати туғилади. Ижтимоий тармоқлар орасида асосий ўринни таълим ва соғлиқни сақлаш эгаллайди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, жаҳонда ҳар бир ривожланган ёки ривожланаётган давлатнинг барқарор иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилар экан, ялпи ички маҳсулот, иқтисодиёт тармоқларининг кўрсаткичлари қаторида ижтимоий-демографик ҳолат ҳам таҳлил этилади. Демографик кўрсаткичлар қаторида Республика соғлиқни сақлаш тизими ҳам йиллик таҳлил қилинади.

Соғлиқни сақлаш тизими республика ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини белгилаб берувчи энг муҳим соҳадир. Аҳоли соғлиғи ҳамда уларнинг тиббий хизмат кўрсатувчи ходимлар ва шифохоналар билан таъминланиш даражаси, туғилиш – ўлим кўрсаткичлари, аҳолининг ўртача ҳаёт давомийлиги каби кўрсаткичлар давлатнинг ривожланганлик даражасини белгилайди ва тан олиш керакки, Ўзбекистонда ҳали бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бисёр. Ана шу ҳолатлар ижтимоий соҳада хусусан, соғлиқни сақлашда давлат хусусий шериклик алоқаларини қўллаш заруриятини келтириб чиқаради.

Сўнгги йилларда юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида тиббиёт тармоғини чуқур ислоҳ қилиш бўйича 180 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар [1-3], жумладан, “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон [3] асосида 2019 – 2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Қабул қилинган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда тиббий хизмат кўрсатишнинг барча тузилмаларида малакали ва замонавий тиббий хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, сифатини халқаро андозалар даражасига кўтариш каби мақсадлар олға сурилган.

Тез ёрдам бригадаларининг сони 818 тадан 1666 тага етказилди ва улар аҳоли яшайдиган ҳудудларга яқинлаштирилди. Автотранспорт паркени янгилаш учун 1500 дан ортиқ “Тез ёрдам” машиналари харид қилинди.

Яна бир асосий йўналиш – репродуктив саломатликни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурлар амалга оширилмоқда. Ҳудудларимиздаги болалар даволаш муассасаларида илгари мавжуд бўлмаган неонатал хирургия, кардиохирургия, инвазив хирургия, қизлар гинекологияси каби янги бўлимларда мураккаб даволаш амалиётлари ўтказилмоқда. ... Ҳудудларда 310 та ихтисослашган бўлимлар, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 14 та филиали очилди [4].

Таъкидлаш керакки, давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида, бу йўналишдаги шифохоналар сони 5300 дан ошди. Шунингдек, қисқа вақт ичида АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Исроил каби хорижий давлатлар билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ замонавий хусусий клиникалар иш бошлади. Айни пайтда, мамлакатимизда 7 та олий тиббий таълим даргоҳи ва уларнинг 4 та филиали, шунингдек, хориждаги нуфузли тиббий-илмий муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилган 22 та халқаро факультет соҳага малакали ва етук мутахассисларни етиштириб бермоқда [4].

Ижтимоий соҳада, жумладан, соғлиқни сақлашда давлат-хусусий шериклик алоқалари изчил ривожланиши, бу механизмлар асосида кўплаб, клиникалар, лабораториялар, ногиронлар уйлари, диспансерлар барпо этиш, шунингдек, тиббиёт йўналишидаги олий ҳамда ўрта тиббий таълим муассасаларини ДХШ шакллари асосида ташкил этиш истиқболдаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Шунини таъкидлаш ўринлики, ижтимоий соҳаларда давлат-хусусий шериклиги тузилмалари ташкил этишда нафақат ички инвесторлар маблағлари балки халқаро ҳамкорларни ҳам жалб этиш самарали вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳада ДХШнинг лойиҳаларини амалга ошириш оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда мустаҳкамлашда асосий ўрин тутиши лозим. Шу нуқтаи назардан, хорижий тажрибаларни умумлаштириш асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни бериш мумкин:

1. Ижтимоий соҳага хусусий инвестицияларни жалб қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг сифатини ошириш учун ҳуқуқий шароитлар яратиш мақсадида ижтимоий соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш, унинг жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилинишини таъминлаш, муҳокама якунлари бўйича таклифларни ҳисобга олган ҳолда Концепциянинг кам-кўстини тўлдириб, уни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш лозим. Концепцияни ва уни амалга оширишга доир тадбирлар режасини ишлаб чиқишда қуйидагиларни назарда тутиш тавсия қилинади:

- Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг устувор вазифаларига эришиш мақсадида ижтимоий соҳада давлат-хусусий шерикликнинг ривожланишига кўмаклашишнинг зарурлиги;

- ижтимоий соҳадаги давлат-хусусий шериклик шаклларининг кўп вариантлилигини таъминлаш йўналишларини;

- давлат органлари ва ҳудудий бошқарув тузилмаларининг ижтимоий хизматлар кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш, ижтимоий хизматларнинг ўз истеъмолчилари учун қулайлигини таъминлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг сифатини ошириш мақсадида ижтимоий соҳадаги давлат-хусусий шериклик битимларини тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилишдаги ваколатларини кенгайтириш;

- ижтимоий соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг асосий босқичлари ва концепцияни амалга ошириш тадбирлари режасида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш мезонларини кўрсатиб бериш;

- давлатнинг ижро этувчи ҳокимият органларининг ижтимоий соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш борасидаги фаолияти стандартини ишлаб чиқишга талабларни шакллантириш.

2. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мулк шаклидан қатъий назар ижтимоий хизматлар кўрсатувчи барча ташкилотларни лицензиялашнинг жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш имкониятини кўриб чиқиш таклиф этилади.

3. Ижтимоий соҳада оилани қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш таклиф этилади:

- ногирон болаларни тарбиялаётган фуқароларни ҳамда васийликда бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш;

- Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўзининг меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-онаси ҳақида қайғуриши мажбуриятининг бажарилиши ва ушбу мажбуриятларнинг бажарилиши учун жавобгарликни белгилаш механизмларига аниқлик киритишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш;

- ногирон болаларга ва ногирон болани тарбиялаётган шахсларга (оилаларга) солиқ имтиёзлари рўйхатини кенгайтириш;

- ногирон бола тарбияланаётган оилаларга яқка тартибдаги уй-жойни қуриш, ёрдамчи ва томорқа хўжалигини юритиш учун ер участкаларини бепул олиш ҳуқуқини ўрнатишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш;

- ҳаёт ва фаолиятнинг барча тоифалари бўйича чекловнинг учинчи даражасига эга бўлган ногирон болалар яшаётган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кенгайтириш;

- интеллектуал ногиронлиги бўлган шахсларни санаторий-курорт йўли билан даволаш тизимини янада фаоллаштириш ва ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

- маҳаллалар кесимида ногирон болалар ва ногиронларни тарбиялаётган оилалар тўғрисида махсус ахборот базасини шакллантириш ва уни доимий юритиб боришни таъминлаш.

4. Нодавлат ташкилотларининг ижтимоий соҳада хизматлар кўрсатиш имкониятини кенгайтириш мақсадида давлат ҳокимияти органларининг, биринчи галда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги қошидаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг расмий сайтларида тегишли ахборотни жойлаштириш йўли билан аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича энг яхши хорижий ва Ўзбекистон

минтақалари тажрибаларининг ёйилишини таъминлашни йўлга қўйиш таклиф этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда:

- аҳолининг кексайиши ҳамда интеллектуал ва руҳий касалликлардан азият чекаётган кекса инсонлар сонининг ошиб бориши тенденцияси шароитида ижтимоий соҳа стратегиясини тайёрлашда кекса фуқаролар манфаатлари йўлида улар учун муқобил бўлган ишлаш ҳамда яшаш усуллари яратиш чораларини амалга ошириш;

- ижтимоий соҳада оилалар билан ишлаш бўйича мутахассис лавозимини киритиш масаласини кўриб чиқиш;

- оилалар билан ишлаш бўйича мутахассислар малакасини ошириш талабларини назарда тутиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Давлат-хусусий шериклик агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, “Оила” маркази билан бирга:

- нодавлат ташкилотларининг ижтимоий соҳада хизматлар кўрсатиш имкониятини таъминлаш бўйича «йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- давлат-хусусий шериклик механизмларининг ривожланишини қўллаб-қувватлашни давом эттириш;

- давлат ҳудудий ташкилотларининг ДХШ бўйича нотижорат ташкилотларини ташкил этиш механизмларини жорий этиш тажрибасини таҳлил қилиш.

7. Ўзбекистон ҳудудий ҳокимияти органлари:

- ижтимоий хизматлар кўрсатиладиган фуқаролар, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ходимлари, мазкур соҳада фаолият юритувчи жамоат ташкилотлари орасида ахборот-тушунтириш ишини кенгайтириш;

- ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасига хусусий бизнес вакиллари фаол жалб қилиш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги инвестициявий муҳитни яхшилаш чораларини кўриш;

- ижтимоий соҳада ДХШ хизматлари кўрсатиш давлат, ҳудудий ташкилотлар ходимларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ниташкил этиш, ҳудудлар бюджетларида зарур маблағлар ҳажмини назарда тутиш.

8. Ижтимоий соҳада оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат-хусусий шерикликни тизимли ривожлантириш учун қуйидагилар тавсия этилади:

- ижтимоий соҳа тармоқларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур шароитларни таъминлаш йўлида давлат-хусусий шериклик ва инвестицияларни жалб қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини кенг жорий этиш ва назорат қилиш;

- ҳудудий ҳокимият органларининг ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ривожлантириш борасидаги фаолияти стандартини жорий этиш;

- давлат ва ҳудудий ҳокимиятлар хизматчиларининг ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича ваколатлари шакллантирилишига ва малакаси оширилишига кўмаклашиш;

- ижтимоий соҳа инфратузилмасининг ривожлантирилишига эҳтиёжманд бўлган ҳудудлар субъектларида ижтимоий соҳада давлат-хусусий шерикликнинг дастлабки лойиҳалари тайёрланишини ташкил этиш.

***Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:***

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019-йил 16-апрелдаги ПҚ-4290-сонли қарори*

2. *Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги 2019 йил 10-майдаги ЎРҚ-537-сонли қонуни*

3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги 07.12.2018 йилдаги ПФ-5590-сонли Фармони*

4. *Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимларига. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимларига табриги. 11.11.2019 й. <https://tma.uz/uz/2019/11/11/uzbekiston-so-li-ni-sa-lash-so-asi-hodimlariga/>*